



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7508984>

СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ХАЛҚ ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРНИ МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Маҳмудова Чарос Икромовна

ўқитувчи

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация: Мазкур мақолада география таълимида синфдан ташқари машғулотларда халқ географик терминларидан фойдаланишнинг аҳамияти келтириб ўтилган бўлиб, бунда ўқув жараёнларида топонимик маълумотлардан тўғри фойдаланиш география фанининг асосий таркибий қисми эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, география фанида жой ёки географик объект номи боғланмасдан билим бериш мумкин эмаслиги, ҳар бир жой табиатининг бир-биридан фарқли жиҳатини қиёслаш учун ҳам жойлар номини билиш зарурлиги ёритилган.

Калит сўзлар: географик объект, термин, топоним, атама, “Тош” ва “Кент”, Тимчи, Тузун, Эмчи, модулли таълим технологияси, макромодул, мезомодул, микромодул.

METHODOLOGY OF STUDYING PEOPLE'S GEOGRAPHIC TERMS ON THE BASIS OF MODULE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN EXTRACURRICULAR ACTIVITIES

Makhmudova Charos

Annotation: This article emphasizes the importance of using folk geographical terms in extracurricular activities in geographical education, with particular emphasis on the fact that the correct use of toponymic information in the educational process is a key component of geographical science. In particular, geography emphasizes that knowledge cannot be given without reference to the name of a place or geographical feature, and that it is necessary to know the names of places in order to compare the various aspects of the nature of each place.

Keywords: geographical feature, term, toponym, term, “Tosh” and “Kent”, Timchi, Tuzun, Emchi, modular learning technology, macromodule, mesomodule, micromodule

География фанининг ривожланишида мукамал ўрганилган ва илмий асосланган халқ географик терминларнинг аҳамияти бениҳоят катта. Халқ географик терминлар ёрдамида воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини аниқ ва тез илғаб олиш мумкин, чунки терминларда уларнинг ихчам тавсифи мужассам. География фанида бирор ҳодиса ёки воқеани тушунтиришда албатта жой номи билан боғлаб маълумот берилади. Аслини олганда, географик номлар орқали ер юзини географик ўрганиш тарихини ҳам аниқлаш мумкин.

Шунингдек, кўпгина географик номлар ер юзаси рельефини, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини, табиий ҳодиса ва тарихий воқеъликларни, аҳолининг урф-одатлари ҳамда машғул бўлган касб-корларини ўзида акс эттиради.

Бу борада география фани кесимида синфдан ташқари машғулотларда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асаридан фойдаланиш ҳам ўринли. Чунки асарда келтирилган халқ географик терминлар асосида шаклланган жой номларини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқиши ҳамда харита билан ишлаш эҳтиёжи янада ортишига сабаб бўлади. Ўқувчиларга аввал ишни энг содда ва ўзи билган ўзакли топонимик атамаларнинг мазмунини очиб беришдан бошлаб, унинг қизиқишини уйғота олиш лозим. Масалан, Ватанимиз пойтахти, Тошкент шаҳрининг мазмуни “Тош” ва “Кент” – яъни тошдан ясалган шаҳар мазмунини англатади [3, 91-б.]. Ҳар бир географик номнинг мазмуни билан ўқувчиларни таништириб бориш имконияти дарс вақтининг чегараланганлиги туфайли муаммолигича қолади. Шундай ҳолатларда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк”, Заҳриддин Бобурнинг “Бобурнома” асарларига, С.Қораевнинг “Географик номлар маъноси” каби топонимик луғатларга мурожаат қилиш ва шу орқали дарсликдан ташқари кўшимча адабиётлардан фойдаланишни ўқувчиларга ўргатиб бориш яхши натижа беради. Масалан, Тимчи [1, 11-б.] - ичимлик тайёрловчи (Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги Тимчи қишлоғининг номланиши), Тузун [1, 380-б.] - булоқ сувини қишлоқ ахлиларига тақсимловчи, Эмчи [1, 11-б.] - даволовчи табиб каби атамаларнинг мазмунини ўрганиш эса, қадимда авлодларимиз шуғулланган касб-корлари билан ёш авлодни таништиришга хизмат қилади. Айнан, шу халқ терминлари Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтириб ўтилган. Зеро, бундай касб турлари замонамизда аста секин кам учрамоқда ёки унутилиб бормоқда. Шу боисдан уларнинг маъно-мазмунини ўрганиш жуда муҳим. Ўзбекистонда Олтинтоғ, Олтинқазған, Тиллатоғ, Зармитан каби номлар учрайди. Бу жойлардан эса бир замонлар олтин қазиб олинганлиги маълум бўлган [6, 4-б.]. Жой номларининг келиб чиқиши, шаклланишига қизиқадиган ўқувчилар билан махсус равишда синфдан ташқари машғулотлар давомида кўшимча тарзда шуғулланиб, уларнинг қизиқишини янада ошириш мумкин. Чунки ушбу асар турли нодир сўзлар, халқ географик терминларига шунчалар бой-ки, уларнинг барчасини ўрганиш орқали замонамизда мавжуд бўлган кўпгина илмий топонимик муаммоларга ечим топиш мумкин [4, 71-б.].


Хусусан, географик номларнинг тарбиявий, илмий, сиёсий аҳамияти ҳам жуда катта. Мамлакат сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар унинг харитасида акс этиб туради. Мисол учун, мамлакатимиз ўз мустақиллигини йўлга киритгандан кейин унинг харитасида ҳам кўплаб ўзгаришлар юз бергани

барчамизга маълум. Мустамлакалик давридаги ўша вақтнинг сиёсатини ифодаловчи, ўша давр учун хизмат қилувчи географик номлар ўзгарди, ўз ўрнида истиқлолимизни, миллий кадриятларимиз ва анъаналаримизни улуғловчи географик номлар шаклланди ҳамда қайта тикланишига сабаб бўлди.

Синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга халқ географик терминларнинг мазмунини ёритиш учун модулли таълим технологиясини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу технология модулларга асосланиб ўрганилади ҳамда ўқувчилар блокли-модулли тузилиш лойиҳаси орқали режа асосида иш олиб боради. Ўқитувчи томонидан ўрганиладиган маълумотларнинг лойиҳаси тузиб берилади, ўқувчи эса дарсликлар, қўшимча адабиётлар, хариталар ҳамда ахборот воситалари ёрдамида маълумотларни мустақил тўплайди. Модул таълимнинг асосчиларидан бўлган Ж.Расселл модулга шундай таъриф беради: “У ўқув пакети бўлиб, ўқув материали концептуал бирлиги сифатида ўқувчиларни ҳаракатга чорлайди” [5, 3-б].

Синфдан ташқари ишларни олиб боришда модулли таълим технологияларидан фойдаланиш борасида бирор бир танланган мавзу йўналиши мантиқий тугалланган фикрли қисмларга, яъни модулларга ажратилади ва ҳар бир қисмни ўқувчилар мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув топшириқлари тузилади. Мазкур технологияни бошқа фанлар қатори география фанларида ҳам қўллаш самаралидир, чунки модулли таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини енгиллаштиради. Бунга сабаб, бу методика ўқувчиларнинг салоҳиятига хос тарзда, уларнинг ўрганиши қулай бўлиши инobatга олган ҳолда режалаштириб ишлаб чиқилади. Синфдан ташқари машғулотларда бу методикани қўллаш учун Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган халқ географик терминларни модул сифатида оладиган бўлсак, уни битта макромодул, 13 та мезомодул ҳамда бир нечта микромодулларга ажратиб ўрганиш мумкин. Бунда албатта, макромодуллар - мезомодулларга, мезомодуллар - микромодулларга ажратилади. Ҳар бир шаклланган жой номларининг пайдо бўлишида муайян сабаблар иштирок этади. Айнан ўша жой номларини шакллантирувчи сабаблар, географик номларни гуруҳларга ажратиб ўрганишга имкон яратади. Шунинг учун халқ географик терминларни гуруҳларга бўлиб ўрганишни, яъни жой номларнинг таснифланишини мезомодулларга ажратилади. Куйида (1-расмга қаранг) “Девонда” келтирилган халқ терминлари орқали шаклланган жой номларининг модулли тузилиш лойиҳаси берилган.


**“ДЕВОН”ДА КЕЛТИРИЛГАН ХТГ ТЕРМИНЛАР ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНГАН
ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ МОДУЛЛИ ТУЗИЛИШИ
ЛОЙИҲАСИ**



1-расм. Муаллиф томонидан тузилди.

Жой номларининг географик таснифланишининг ҳар бирини мезомодулар орқали микромодуларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир (2-расмга қаранг). Бу расмда фақат жойнинг рельеф тузилишига боғлиқ ҳолда шаклланган жой номларининг микромодули кўрсатилган. Шу йўналиш орқали жой номларининг географик таснифланишини давом эттириш мумкин.

**Жойнинг рельеф тузилишига боғлиқ ҳолда шаклланган жой номлари
микромодули**



2-расм. Муаллиф томонидан тузилди.

География таълимининг синфдан ташқари машғулотида бундай режалаштириб ўрганишнинг моҳияти шундан иборатки, бунда дастурий материаллар йирик мавзу блокларига бўлинади. Ўз навбатида модулларнинг ҳар бир тури ўзининг кичик турларига бўлинади. Натижада бу модул орқали ўқувчилар халқ географик терминлар асосида шакллланган жой номларини аниқлайди ва қизиқиш билан режа асосида мустақил ўрганади.

Демак блокчи-модул таълими:

- биринчидан, мавзунинг блокчи-модул таълимида ўрганиш орқали ўқувчи дарслик маълумотлари билан янада яқиндан танишади ҳамда амалий ишларни режа асосида мустақил бажаради;

- иккинчидан, ҳар бир ўқувчида жой номларининг мазмунини билишга катта қизиқиш уйғотади, ушбу қизиқиш эса ўқувчининг фанга бўлган эътиборини кучайтиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, модулли таълимнинг асосий моҳияти - ўқувчилар модул дастурлари ёрдамида мустақил ишлашига асосланган ўқув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришади. Чунки топонимик терминларни ўрганиш ушбу фаннинг калити сифатида унинг предмет ва ўрганиш объектларини, мақсад ва вазифаларини тўлароқ очиқ бериш учун хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган халқ географик терминларини мактабда синфдан ташқари машғулотида орқали ўрганиш, ўқувчи ёшларни буюк алломаларимизнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўлишдаги омиллардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмуд Қошғарий “Девону луғатит турк” I том Т.; Ўзб. ССР Ф.А. нашриёти 1960.
2. Маҳмуд Қошғарий “Девону луғати-т-турк” С.Муталлибов таржимаси. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт 2017
3. Низомов А., Раҳимова Г., Расулова Н., “Топонимика” - Шарқ нашриёти - Т.: 2012.
4. Низомов А., Маҳмудова Ч., “Маҳмуд Қошғарийнинг илмий меъросини ўрганиш тарихи”. Ўзбекистонда география фанининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Термиз, 2020.
5. Russel J. Modular Instruction // A Guide to the Design, Selektion, Utilization and Evaluation of Modular Materials. Minneapolis; ВРС, 1974. – 3 p.
6. Қораев С. “Географик номлар маъноси”. Ўзбекистон. 1978.